³ Балыхина Т.М. Методика преподавания русского языка как неродного, нового: Учебное пособие для преподавателей и студентов. – М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2007.– 185 с.; Бобрышева И.Е. Культурно-типологические стили учебно-познавательной деятельности иностранных учащихся в методике обучения русскому языку как иностранному: Дис. ... докт. пед. наук. - М.: ГИРЯП, 2004. – 392 с.; Вагнер В.Н. Методика преподавания русского языка англоговорящим и франкоговорящим на основе межъязыкового сопоставительного анализа. -М.: ВЛАДОС, 2001.-384 с.; Капитонова Т.И. и др. Московкин Л.В., Щукин А.Н. Методы и технологии обучения русскому языку как иностранному / Т.И. Капитонова, Л.В. Московкин, А.Н. Щукин / Под ред. А.Н.Щукина. М.: Русский язык. Курсы, 2008. – 309 с.; Митрофанова О.Д. и др. Методика преподавания

С.Н. Абдуллаева, С.Х. Абдуллаева Л.Т. Ахмедова, У.Ш.Бегимкулов Ж.Ж.Жалолов, Р.Х. Жўраев, О.Мусурмонова, Н.С. Сайидахмедов, Ф.Р. Юзликаев⁴ ва бошқалар томонидан Ўзбекистонда чет тиллари, шу жумладан, рус тилини ўқитиш жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этишга доир тадқиқотлар олиб борганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқотлар ишлари режаси “Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспекти” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини ўқитиш кейс-технологиясини ишлаб чиқиш, хусусан, нутқ субъектларининг ёши, маълумоти, саводхолик даражаси кабилар билан боғлиқ ҳолда тавсифлаш ва уларнинг устувор хусусиятларини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини ўқитиш масалалари бўйича илмий-методик адабиётлар тўғрисида маълумот бериш;

чет тили гуруҳлари ўқувчиларига рус тилини ўқитишнинг лингвистик, психологик ва дидактик асосларини таҳлил қилиш;

В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини ўқитишда кейс – технологиянинг ролини аниқлаш;

русского языка как иностранного / О.Д. Митрофанова, В.Г. Костомаров, М.Н. Вятюгнев, Э.Ю. Сосенко, Е.М. Степанова. – М., 1990 – 269 с.; Молчановский В.В. Состав и содержание профессионально-деятельностной компетенции преподавателя русского языка как иностранного: Дис. ... докт.пед.наук. – М., 1999. – 412 с.; Московкин Л. В., Шамонина Г.Н. Инновации в обучении русскому языку как иностранному. – Варна: Черноризец Храбър, 2013. – 208 с.; Орехова И.А. Обучающий потенциал русской среды в формировании лингвокультурологической компетенции иностранных учащихся: Дис. ... докт.пед.наук. – М., 2004. – 341 с.; Поморцева Н.В. Лингвокультурная адаптация иностранных учащихся в практике краткосрочного обучения русскому языку в условиях языковой среды // Русский язык за рубежом. 2010. – №2. – С. 68-75; Прохоров Ю.Е. Национальные социокультурные стереотипы речевого общения и их роль в обучении русскому языку иностранцев. – М.: УРСС, 2003.- 224 с.; Харитоновна О.В. Профессиональная речь преподавателя русского языка-иностранцам как лингводидактический дискурс. – Автореф. дис. . канд.пед.наук. – М., 2005. – 18 с.; Шукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного: Учебное пособие. – М.: Высшая школа, 2003. – 334 с.

⁴ Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной речи студентов-филологов (на материале художественных текстов): Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2012. – 320 с.; Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. - Т.: Fan va texnologiya, 2016. – 296 с.; Джўраев Р. Таълимда интерфаол технологиялар. - Тошкент, 2010. – 87 б.; Мусурмонова О. Юкори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари. – Т.: Фан, 1995. – 165 б.; Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиетида янги технологияларни қўллаш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 154 б.; Юзликаев Ф.Р. Теория и практика интенсификации дидактической подготовки будущего учителя в системе высшего педагогического образования (на материале педагогических дисциплин): Дисс. ... докт. пед. наук. – Т., 2005. – 303 с.; Жалолов Ж.Ж. Интерференция в методике обучения неродному языку // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал №5–6/2017 (Электронный ресурс) - URL <https://journal.fledu.uz/ru/interferentsiya-v-metodike-obucheniya-nerodnomu-yazyku> (дата обращения: 05.11.2021); Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимга замонавий ахборот технологияларини жорий этишининг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Фан, 2007. –143 б.; Абдуллаева С.Н. Коммуникативный подход к формированию орфографической компетенции у учащихся узбекских групп академических лицеев при обучении русскому языку): Автореф. дисс... доктора философии (PhD) по педагогическим наукам. – Ташкент, 2019. – 48 с.; Абдуллаева С.Х. Обучение лексике инфокоммуникационных технологий студентов неязыковых вузов при обучении русскому языку: Автореф. дисс... доктора философии (PhD) по педагогическим наукам. – Ташкент, 2020. – 45 с.

ўрганилаётган мавзу бўйича Давлат таълим стандартлари, дастурлари, дарслик ва ўқув-методик адабиётларини таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ўқитувчиларининг В1 даражага эга ўқувчиларига рус тилини ўқитиш бўйича тажрибасини ўрганиш;

методик мақсадларда рус ва қорақалпоқ тилларини қиёсий таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчилари учун рус тилини ўқитиш бўйича топшириқ ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

экспериментал ўқитиш мақсади, вазифалари, ташкил этилиши ва ўтказиш шарт-шароитларини тавсифлаш, унинг сифат ва миқдорий натижаларини баён қилиш.

Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчилари учун кейс-технология асосида рус тилини ўқитиш бўйича методик тавсиялар такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти: Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини она тилидан ўзга тил (хорижий тил) сифатида ўқитиш жараёни (221 киши миқдориди).

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчиларга кейс-технология асосида рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш методлари, усул ва воситаларини аниқлаш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий таҳлил усуллари, меъёрий ҳужжатлар (Давлат стандартлари, ўқув дастури, дарсликлар)ни ўрганиш, педагогик кузатиш (суҳбат, анкета), педагогик эксперимент, математик ва статистик таҳлил методларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўқувчиларга рус тилини ўргатишда рус ва қорақалпоқ тилларидаги синонимик қаторларнинг ўзаро нисбати ва лақунарлиги, нутқда фразеологик бирликлар қўлланилишининг эквивалентлигига эришиш йўллари аниқланиб, рус ва қорақалпоқ тиллари мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларининг парадигмалари ва грамматик категориялари белгиланган;

ўқувчиларга рус тилини ўргатишда ўқув дастурининг фақат бир мавзусини эмас, балки мавзули бўлимини ўрганиш мақсадида кейсларни йириклаштириш самарадорлиги исботланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг В1 даражали ўқувчиларига рус тилини кейс-технологиялари асосида ўргатиш методикаси беш босқичдан иборат кейсларни ечишнинг инвариант тизимини киритиш орқали такомиллаштирилган;

В1 даражали ўқувчиларига рус тилини ўргатиш кейс технологиялари ёрдамида ўқувчиларнинг нутқий ва мустақил сермахсул фикрлаш кўникмаларини оширишга йўналтирилган тизимлилик, коммуникативлик, вазиятлилик ва онглилик принципларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Таълим ўзбек ва бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим ўрта мактабларининг 10-11-синфлари учун рус

тили бўйича ўқув дастурида назарда тутилган таянч лексикасини ўқитиш жараёнининг методик таъминоти такомиллаштирилган;

Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчилар учун рус тилини иккинчи тил сифатида ўрганиш бўйича кейс топшириқлари тузилиши такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қўлланиладиган усулларнинг илмий-услубий жиҳатдан асосланганлиги, мавзуга доир тавсиялар илмий ва методик адабиётлар билан асосланганлиги, хулосаларнинг ҳаққонийлиги, далилланганлиги илмий ғояларнинг ҳаётийлиги ўтказилган тажриба-синов натижалари акс этган жадваллардаги фоизларда ўз ифодасини топгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактаблари шароитида таълим чет тилида олиб бориладиган гуруҳ ўқувчиларига рус тилини ўқитишнинг илмий асослари, дидактик ва педагогик тамойилларини умумлаштириш, шунингдек В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини ўқитишда кейс-технология ролини аниқлаш билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчилари учун рус тилини ўқитиш бўйича топшириқлар ва машқлар тизимини такомиллаштириш, Нукус шаҳри, Хўжайли, Чимбой, Қўнғирот туманларидаги умумий ўрта таълим мактаблари, шунингдек, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази базасидаги кейс-технология асосида Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини ўқитиш бўйича муаллифлик методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини ўқитиш кейс технологияси бўйича ишлаб чиқилган назарий, методологик ва амалий натижалар асосида:

ўқувчиларга рус тилини ўргатишда рус ва қорақалпоқ тилларидаги синонимик қаторларнинг ўзаро нисбати ва лақунарлиги, нутқда фразеологик бирликлар қўлланилишининг эквивалентлигига эришиш йўллари аниқланиб, рус ва қорақалпоқ тиллари мустақил ва хизматчи сўз туркумларининг парадигмалари ва грамматик категориялари белгиланганлигига оид таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 01-01/09-4694-сон маълумотномаси). Натижада таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 10-11 ўрта ва катта синф ўқувчиларида рус тили нутқий кўникмаларини шакллантириш жараёни самарадорлиги оширилган;

ўқувчиларга рус тилини ўргатишда ўқув дастурининг фақат бир мавзусини эмас, балки мавзули бўлимини ўрганиш мақсадида кейсларни йириклаштириш самарадорлигига оид хулосалар Қорақалпоғистон

Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш минтақавий марказидаги малака ошириш курслари тингловчилари учун “2.2. Рус тили ва адабиётини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модулини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Худудий марказининг 2021 йил 21 октябрдаги 240-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш курслари тингловчиларининг касбий компетенциялари такомиллаштирилган ва зарур касбий компетенциялар шакллантирилган;

Қорақалпоғистон Республикасининг В1 даражали ўқувчиларига рус тилини кейс-технологиялари асосида ўргатиш методикаси беш босқичдан иборат кейсларни ечишнинг инвариант тизимини киритиш орқали такомиллаштирилганлигига оид янгилик 2021 йил 9 ва 23 июль кунлари Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг “Хабар” ахборот дастури, “Таълим ва фан” радиоэшиттиришларида қўлланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 21 октябрдаги 01/02/492-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва радиоэшиттириш дастурлари мазмуни Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига рус тилини ўқитиш муаммоси бўйича янги эксперт хулосалар билан бойитилган;

В1 даражали ўқувчиларига рус тилини ўргатиш кейс технологиялари ёрдамида ўқувчиларнинг нутқий ва мустақил сермаҳсул фикрлаш кўникмаларини оширишга йўналтирилган тизимлилик, коммуникативлик, вазиятлилик ва онглилик принципларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилганлиги бўйича тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Рус маданий марказида курс тингловчилари учун “мастер-класс” ўтказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Рус маданий марказининг 2021 йил 21 октябрдаги 06-03/21-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикасидаги Рус Маданий марказида ўтказиладиган рус тили курслари тингловчиларининг рус тили бўйича тайёргарлик даражаси сезиларли даражада ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан 3 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, 2 та мақола республика ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**В1 даражасидаги ўқувчиларга рус тилини ўқитишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган. Ушбу боб учта фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли "**Илмий-методик адабиётларда В1 даражасидаги ўқувчиларга рус тилини ўқитиш масалалари**" деб номланган. Бунда, биринчидан, Қорақалпоғистон Республикасида республика аҳолисининг бир қисми томонидан рус тили она тили ёки иккинчи она тили сифатида эркин ўзлаштирилганлиги учун у чет тили (Рус тили - чет тили) деб ҳисобланмаслиги аниқланган ва рус тилини чет тили сифатида ўқитиш методикасидан бевосита фойдаланиш мумкин эмаслиги исботланган. Иккинчидан, қорақалпоқ мактаблари шароитида уни она тили (Рус тили - она тили) сифатида ўқитиш мумкин эмаслиги баён қилинган. Демак, санаб ўтилган иккита методикадан фарқ қиладиган, рус тилини ўрганишнинг методик парадигмаси, яъни рус тилини иккинчи тил (Рус тили иккинчи тил) сифатида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунга қарамай, ҳозирги босқичда парадигма ўзгариши юз бермоқда, бунинг натижаси рус тилини ўқитиш методологиясини рус тилини ўқитиш методологиясига босқичма-босқич қайта форматлашдир. Буни, хусусан, Миллий ўқув дастури лойиҳаси ишлаб чиқилиши факти ҳам кўрсатади⁵.

Тадқиқот мавзусига доир мавжуд илмий-методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқитиш кам ўрганилган соҳа бўлиб қолмоқда, шунингдек, қорақалпоқ мактабларида рус тилини ўқитиш муаммолари бўйича тадқиқотлар сони нисбатан кам⁶. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синф (гуруҳ) ларда рус тилини ўқитиш масалаларини ўрганиш парадигмаси сезиларли даражада кенг ёритилган.⁷ Биз,

⁵ Проект Национальной учебной программы общего среднего образования по русскому языку как иностранному в школах с узбекским и иными языками обучения / Ред. Б.У. Турсуналиева. – Электронный ресурс: <http://uzviylik.tdi.uz/upload/iblock/8aa/8aaf46be6b1c1655ce9ad17846b55299.pdf> Дата обращения: 31 октября 2021 г.

⁶ Ходжаниязова А.А. Модели уровня знаний по русскому языку на основе тестирования как средство повышения качества учебно-воспитательного процесса (на материале школ Республики Каракалпакстан): Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ташкент, 2006. – 24 с.; Сапарова Ш.Б. Обучение учащихся начальных классов каракалпакской школы слушанию и чтению на русском языке: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Киев, 1995. – 20 с.

⁷ Андриянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устноречному общению на русском языке: Автореф. дисс... докт. пед. наук. – Ташкент, 1997. –35 с.; Дадабаев Х.М. Использование перевода в обучении русскому языку в узбекской школе: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – М., 1998. – 19

албатта, бошқа МДХ республикалари, биринчи навбатда, Ўрта Осиё республикалари олимларининг тажрибасига ҳам эътибор берамиз, чунки улар ўтказган тадқиқот натижаларининг кўпчилиги ҳозирги кунда қорақалпоқ мактабларида рус тилида ўқитилаётган таълим шароитида конструктив равишда қўлланилиши мумкин.⁸

Кўпчилик тадқиқотчилар *ўқувчилар мотивациясига* рус тилини ўқитишнинг асосий муаммоларидан бири сифатида қарайди. Ҳозирги қорақалпоқ мактабларидаги юқори синф ўқувчилари учун рус тилини амалда ўрганиш борасида қўйидаги муаммо мавжуд: рус тилини, энг аввало, барча собиқ Совет иттифоқи республикаларида, жумладан, Ўзбекистон шаҳарларида кузатиладиган кўп тиллилик шароитида алоқа воситаси сифатида ўрганиш зарур.

Бизнингча, айнан мотивация у ёки бу тилни ўрганиш жараёни учун пойдевор ҳисобланади. Рус тилини иккинчи тил сифатида ўрганиш учун барқарор мотивация сақланишининг муҳим шарт *янгилик тамойилини* амалга оширишдир.⁹ Е.И.Пассов концепциясини ривожлантирган ҳолда Л.В.Кибирева “таълим жараёнининг барча таркибий қисмлари мазмуни, шакли ва ташкил қилиниши жиҳатдан ўқув мақсадига мувофиқ ўзгаришида (ўзгарувчанлик, комбинацияланиш, янгиланиш, алмашиш, хилма-хиллик) намоён бўладиган қонуният” деб ҳисоблайди. Бу қонуният бўлгани учун янгиликни ҳақли равишда янгилик тамойили даражасига кўтариш мумкин.¹⁰ “Тадқиқотимиз олдида турган вазифаларга асосланиб, ушбу муаллиф хулосалари жуда долзарб дейиш мумкин, чунки қонуният ва рус тилини ўқитиш жараёни тамойили сифатида тушуниладиган янгилик сўзсиз кейс-технология амалга оширилишига ёрдам бериши керак.

Замонавий лингводидактикада таълим чет тилларида олиб бориладиган гуруҳларда рус тилини ўқитишнинг инновацион усул ва методларини жорий этиш зарурати ҳақидаги тушунча янада чуқур илдиз отмоқда. МДХ мамлакатларидаги кўплаб замонавий тадқиқотчиларнинг инновацион усулларга мурожаати, энг аввало, ўқувчи ёшлар ўртасида мустақиллик ва танқидий фикрлашни, ахборот маконини мўлжаллаш ва ўз касбий фаолияти давомида мустақил қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқади. Ўзбекистонда бу зарурият англаниши энг юқори даражада. Шундай қилиб, ”Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини

с.; Карабаева Л.И. Методика преподавания русского языка в начальной узбекской школе: Учебное пособие для студентов педагогических вузов. – Ташкент.: Издательско-полиграфический творческий дом имени Чулпана, 2005. – 96 с.; Иргашева Т.Г. Система развития связной письменной речи узбекских учащихся на уроках русского языка, 5-7 классы: Дисс... докт. пед. наук. – М., 2001, 285 с. и др.

⁸ Маджидова Н.Х. Лингвокультурологический аспект обучения русскому языку в условиях формирования таджикско-русского билингвизма: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Душанбе, 2011. – 27 с.; Бухтиярова С.А. Формирование лингвострановедческой компетенции в процессе обучения русскому языку как неродному у студентов педагогических вузов (на материале текстов по архитектуре): Автореф. дисс... канд. пед. наук. – М., 1998. – 24 с.; Махсудова З.А. Национально-региональный компонент предмета "Русский язык" в казахской школе в 5 - 6 классах: На материале лексики: Дисс. ... канд. пед. наук. – М., 1999. – 191 с. и мн.др.

⁹ Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Глосса-Пресс, 2010. – С. 155-156.

¹⁰ Кибирева Л.В. Реализация принципа новизны в учебнике русского языка как государственного (неродного): Автореф. дисс... канд. пед. наук. – М., 2006. – С. 11.

2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” га мувофиқ, бугунги кунда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

Ўқитиш усуллари такомиллаштириш, таълим ва тарбия жараёнини индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш: ўқувчиларда эрта ёшдан бошлаб ўқиш учун соғлом, кучли ва самарали мотивацияни шакллантириш, шунингдек, уларда касб танлаш, касбий ўсишни мустақил режалаштириш, замонавий касбларни ўзлаштириш қобилиятларини ривожлантириш; <...> ўқиш муддатларини сақлаган ҳолда ўқувчиларнинг ўзлаштириш компетентлигини ошириш бўйича замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш”.¹¹ Л.Т. Ахмедова фикрича, инновацион технологиялар деганда биз таълим ва тарбия жараёнида самарали натижаларга эришишга қаратилган “янги ўқитиш усуллари ва методлари тизими, ўқув-методик мажмуалар, режалаштириш, янгиланган дастурларни тушунамиз”.¹² Ҳозирги замон қорақалпоқ мактаблари шароитида рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш методикаси ҳам инновацион технологиялар жорий этилишига муҳтождир.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Таълим чет тилида олиб бориладиган гуруҳларда рус тилини ўқитишнинг лингвистик, психологик ва дидактик асослари”** деб номланади. Рус тилини чет тили сифатида ўқитиш методикасининг лингвистик асослари рус тилини чет тили сифатида тавсифлаш тамойиллари сифатида Л.А.Новиков томонидан батафсил таърифланган. Бу тамойилларга қуйидагилар киради: 1) тилни ўқув мақсадларида минималлаштириш; 2) чет тили материалларининг специфик таҳлили; 3) икки ўлчовли тавсиф (фаол ва нофаол жиҳатлар); 4) тилнинг асосий бирликлари тавсифининг функционаллиги; 5) ўқувчиларнинг она тилини ҳисобга олиш. Тил тавсифининг бутун циклини белгиловчи бундай тамойиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, тил компрессияси (“сиқилиши”) ва зарур минималлаштириш, яъни “ўқув тили” га эга бўлиш ва уни турли жиҳатлар нуқтаи назаридан талқин қилишни таъминлайди”.¹³ Биз бу тамойилларни рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш методикасига экстраполяция қилиш мумкин ва бу мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунга икки жараён - рус тилини хорижликларга ўргатиш ва чет тилида таълим олиб бориладиган гуруҳларда(синфларда) рус тилини ўқитиш - ўхшашлиги туфайли йўл қўйилади. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам ҳар иккала тилни - она тили ва ўрганилаётган тилни - таққослаш лозим бўлади, натижада ўқувчилар онгида икки хил *оламнинг лисоний манзараси* ни ўзаро боғлаш жараёни содир бўлади: “тил бирликлари билан белгиланадиган халқ ривожланишининг муайян босқичидаги одамларнинг бутун борлиқ ҳақидаги тасаввурлари, тил белгилари

¹¹ Концепция развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года: Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № УП-5712. - Электронный ресурс: <https://lex.uz/docs/4312783>. Дата обращения: 3 октября 2021 г.

¹² Ахмедова Л.Т. Педагогические инновации как условие развития профессиональной подготовки студентов // Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития: Сб. научных трудов. – СПб., 2010. – С.367.

¹³ Новиков Л.А. Лингвистические основы методики преподавания русского языка как иностранного// Русский язык за рубежом.- 1976.- № 2.- С. 54-58

маъноларида акс эттириладиган - дунёнинг лингвистик бўлиниши, предметлар ва ҳодисаларнинг лингвистик тартибга солиниши, сўзларнинг тизимли маъноларига асосланган олам ҳақида маълумотлар мажмуи”.¹⁴ Бундан ташқари, ҳар иккала ҳолатда ҳам “*лингвистик интерференция(тиллarning ўзарo таъсири)*” каби ҳодиса юзага келади, уни бартараф этиш эса чет тилини ўрганишга қарор қилган ҳар бир киши олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Лингвистик интерференция “тиллarning алоқаси пайтида ёки иккинчи тил сифатида ўрганилаётган тилни индивидуал ўзлаштириш жараёнида ривожланадиган икки тиллилик шароитида тил тизимларининг ўзарo таъсири, она тили таъсири остида иккинчи тилнинг меъёрдан ва тизимдан четлашиши билан ифодаланади”.¹⁵ Интерференция билингвизмга асосланган бўлиб, У.Вайнрайх терминологиясига кўра, координатив, коррелятив, субординатив бўлиши мумкин.¹⁶ Қорақалпоқ мактаблари ўқувчилари учун коррелятив икки тиллилик (мажбурий бўлмаса ҳам) жуда хосдир. Коррелятив билингвизм оилаларида рус тили иккинчи она тили сифатида қўлланиладиган, лекин оиладан ташқарида, асосан, қорақалпоқ ёки ўзбек тилида сўзлашиладиган муҳитда бўладиган болаларда кузатилади. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг бошқа, бундан ҳам каттарoқ қисмида субординатив икки тиллилик кузатилади. Бу таълим олаётган болаларнинг турлича бўлишига олиб келиши аниқ, чунки бир синфда ҳар хил турдаги икки тиллиликка мансуб бўлган болалар бўлиши мумкин.

Лингвистик интерференцияга қайтсак, у тил тизимининг барча даражаларида - фонетика (орфоэпия), сўз ясалиши, лексика, морфология, синтаксис, шунингдек, графика ва имло даражасида намоён бўлишини таъкидлаш лозим. Эҳтимол, айнан шу факт асосида турли ўқув дастурларида рус тилини чет тили (иккинчи тил) сифатида ўқитишнинг қуйидаги асосий лингвистик жиҳатлари анъанавий тарзда шакллантирилиши мумкин. 1) рус тилининг амалий фонетикаси ва интонацияси; 2) рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш тизимида амалий грамматика; 3) луғат иши (рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш тизимидаги лексика). Шундай қилиб, рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш методикаси рус тилшунослигига ўзи учун табиий методологик асос сифатида таянади. Аммо лингвистик билимлар лингводидактикада бевосита қўлланилмайди, ўқув мақсадлари учун тилни минималлаштириш тамойилига мувофиқ рационал соддалаштириш ва умумлаштиришга учрайди.

Бугунги кунда чет тилларини (иккинчи тилни) ўқитишнинг психологик асослари жуда яхши ривожланган. Психологиянинг илмий маълумотларини ҳисобга олганда, иккинчи тилни ўзлаштириш жараёни ҳар хил одамлар учун турлича кечишининг сабаби қуйидагича: “Психологияда икки тиллилик шу икки тил кодлари ёрдамида фикрларни етказишда психологик жараёнлар кечиши, нутқ механизмларининг фаолияти ва ўзарo таъсирининг ўзига хос

¹⁴ Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: АСТ – Восток – Запад, 2007. – С. 21.

¹⁵ Лингвистический энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева. – М.: Большая российская энциклопедия, 2002. – С. 197.

¹⁶ Вайнрайх У. Языковые контакты: состояние и проблемы исследования. - Киев: Вища школа, 1979. - 263 с.

хусусиятларининг намоён бўлиши сифатида тушунилади».¹⁷ Айнан ушбу маълумотни бир тилдан бошқасига "қайта кодлаш" жараёни турли одамларда ҳар хил тезликда ва турли алгоритмларга мувофиқ содир бўлади. Ва ушбу жараён кўп жиҳатдан чет тилини (иккинчи тилни) ўқитишнинг бир хил усуллари, воситалари ва технологиялари турли одамлар учун ҳар хил даражада самарали бўлиб чиқиши мумкинлигини белгиловчи муҳим ҳолат келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунингдек, психологияда, тил ва тафаккур ўртасидаги алоқани таҳлил қилиш жараёнида, ҳар бир шахснинг аниқ ҳаракатлари, шу жумладан, "ташқи" оғзаки ва ёзма нутқ яратилишига олиб келадиган маълум бир рухий жараён сифатида мавжуд бўлган *ички нутқни* кўриб чиқиш лозим деб ҳисобланган. Шундан келиб чиқиб, иккинчи тилда фикр юритиш мумкин ва чет тилини амалда ўзлаштиришга фақат шу тилда фикрлаш қобилияти ривожланган тақдирдагина эришиш мумкин деб ўйлаймиз.

Таълим чет тилида олиб бориладиган гуруҳларда рус тилини ўқитишнинг дидактик асослари рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш методикасининг қуйидаги махсус методик тамойилларидан иборат: 1) коммуникативлик ва функционаллик тамойили; 2) материални концентрик ташкил этиш тамойили; 3) минималлаштириш тамойили; 4) комплекслилик ва табақалаштирилганлик тамойили; 5) она тилини ҳисобга олиш тамойили¹⁸. Бу тамойиллар маълум бир иерархияни англатмайди, чунки турли даражада долзарблашади ва у ёки бу тадқиқотчи (ўқитувчи) томонидан танланган аниқ методикага боғлиқ бўлади. Фикримизча, она тили ва маданиятини ҳисобга олиш тамойили рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитишнинг базавий тамойили деб эътироф қилиниши керак. Тадқиқот доирасида муаллифнинг она тили ва рус тилини ўзаро боғлиқ ўрганишни амалиётда қўллаш учун омиллар мажмуига оид ғоялари тақлиф қилинган.

Биринчи бобнинг учинчи фасли "**В1 даражасидаги ўқувчиларга рус тилини ўқитишда кейс-технологиянинг роли**" деб номланган. Кейс-технологиянинг, ундан чет тилини (ёки иккинчи тилни) ўқитиш жараёнида фойдаланиш нуқтаи назаридан муҳим афзаллиги шундаки, у нутқ фаолиятининг барча турларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, муҳокама қилинаётган вазият (кейс) моҳиятини ўзлаштиришда, тинглаб тушуниш ёки ўқиб бериш амалга оширилади. Кейснинг мумкин бўлган ечимлари муҳокама қилинаётганда, сўзлаб бериш каби нутқ тури фаол бўлади. Ниҳоят, мунозара натижаларини ёзма ҳужжат - маъруза матни, электрон тақдимот, деворий газета, тахтага бўр билан ёзиш ва бошқа шаклларда баён қилиш мумкин. Кейс технологиясининг энг муҳим хусусиятлари ва машҳурлиги сабаби шундаки, у *таълимга интерактив ёндашув* доирасида ривожланади. Бу эса уни қўллаш ўқув жараёнининг барча иштирокчиларининг доимий, фаол ўзаро таъсири талаб қилинишини англатади.

¹⁷ Уракова Ф.К. Психологические основы обучения неродному языку // Культурная жизнь Юга России. – Краснодар, 2008. - №1. – С. 115.

¹⁸ Балыхина Т.М. Методика преподавания русского языка как неродного, нового: Учебное пособие для преподавателей и студентов. – М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2007. – С. 15-16.

Кейс технологияси интерфаол методикалардан бирига тааллуқли бўлиб, ўқитишнинг субъект-субъект муносабатларига йўналтирилганлигини фаоллаштиришга мўлжалланган ва шу маънода у Қорақалпоғистон Республикасидаги В1 даражага эга ўқувчиларга рус тилини ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун жуда зарур ҳисобланади. Ушбу муаммо бўйича адабиётларни кўриб чиқишимиз натижаларини инобатга олган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, жаҳон амалиётида чет тилларини (иккинчи тилни) ўқитишда кейс технологиядан фойдаланишнинг нисбатан узоқ давом этаётган анъаналарига қарамай, Ўзбекистон таълим шароитида МДХ нинг аксарият республикаларида бўлгани каби кейс технология ҳамон *инновацион методика* ҳисобланади.

Иккинчи боб **«Қорақалпоғистон Республикасида В1 даражасидаги ўқувчиларга рус тилини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати»** деб номланиб, у уч фаслдан иборат. **«Давлат таълим стандартлари, дастурлари, дарсликлари ва ўқув-методик адабиётларни ўрганилаётган мавзу жиҳатдан таҳлил қилиш»** деб номланган биринчи фаслида В1 даражасини тавсифловчи Давлат таълим стандарти талаблари ҳажми бўйича ҳаддан ташқари қисқаргани аниқланган, гарчи уларнинг шаклланиши керакли хусусиятлардан маҳрум бўлса ҳам. Бундан ташқари, шубҳасиз, бу талаблар фақат ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари битирувчиларига йўналтирилган бўлиб, бу ҳақда В1 даража “рус тили чуқур ўрганиладиган ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларининг битирувчилари” учун талаб қилинадиган «Рус тилини ўқитишнинг умумий даражаси» сифатида белгиланади. Шунингдек, бунда икки марта учрайдиган «касбий соҳага тегишли» ибораси ҳам шунга ишора қилади. Бундан келиб чиқадики, ДТС нинг ҳозирги ҳолатида 10-11-синфлар ўқувчиларининг ёш хусусияти ҳисобга олинмайди ва умумий ўрта таълим мактабларидаги мавжуд янгиликларни ҳам, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олган ҳолда бироз ўзгартириш киритиш лозим.

10-11-синфлар учун ўқув дастурлари юқорида айtilган ДТС нинг маънавий эскириши шароитларида ишлаб чиқилган. Шу муносабат билан биз улар ўртасида мавжуд бўлган таркибий фарқларни қайд этдик. Шундай қилиб, агар 10-синф учун ўқув дастурида ўқувчиларда шаклланадиган В1 ва В1+ даражалари деб кўрсатилган асосий компетенциялар элементлари санаб ўтилган ва тавсифланган бўлса, демак 11-синф учун ўқув дастурида фақат ўқувчиларнинг таълим фаолияти натижаларига талаб қўйилади.

11-синф учун ўқув дастурида кузатиладиган компетенциялар турларининг ажратилмаслиги ушбу меъёрий ҳужжатнинг муҳим камчиликлари деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бизнингча, бу ерда битирувчиларга талабларни коммуникатив (прагматик), социолингвистик (социомаданий) ва эстетик компетенциялар каби тоифалар бўйича тақсимлаш зарурлиги сифатида кўриб чиқиш мумкин.

10- ва 11-синфлар учун рус тили дарсликларида ушбу дастурларда назарда тутилган лексик минимум тўлиқ амалга оширилмаган, чунки ўқув

дастурида келтирилган сўз ва сўз бирикмаларининг муҳим қисми акс эттирилмаган дамда ишлаб чиқилмаган (1, 2 -жадвалларга қаранг).

1-жадвал

10-синф учун рус тили дарслигида ўқув дастури томонидан тавсия этилган лексемаларнинг (сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар, синтагмалар) акс эттирилиши

Мулоқот соҳаси	Акс этиш даражалари бўйича лексик минимумдан бирликлар сони (мутлақ сонлар ва фоизларда)						Лексемалар (сўз бирикмалари, фразеологизмлар, синтагмалар) жами
	Тақдим қилинмаган	Қисман тақдим қилинган	Дарсликдаги лугатда тақдим қилинган	Қоидаларда тақдим қилинган	Машқларда тақдим қилинган	Ўқув матнида тақдим қилинган	
Ўқишга оид мулоқот соҳаси	9	4	1	2	3	2	21
	(42,8%)	(19%)	(4,8%)	(9,6%)	(14,2%)	(9,6%)	
Ижтимоий-сиёсий мулоқот соҳаси	36	1	0	1	5	1	44
	(81,8%)	(2,3%)	(0%)	(2,3%)	(11,3%)	(2,3%)	
Ижтимоий-маданий мулоқот соҳаси	36	3	1	0	2	1	43
	(83,7%)	(7,1%)	(2,3%)	(0%)	(4,6%)	(2,3%)	
ЖАМИ:	81	8	2	3	10	4	108
	(75%)	(7,4%)	(1,9%)	(2,8%)	(9,2%)	(3,7%)	

2-жадвал

11-синф учун рус тили дарслигида ўқув дастури томонидан тавсия этилган лексемаларнинг (сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар, синтагмалар) акс эттирилиши

Мулоқот соҳаси	Акс этиш даражалари бўйича лексик минимумдан бирликлар сони (мутлақ сонлар ва фоизларда)						Лексемалар (сўз бирикмалари, фразеологизмлар, синтагмалар) жами
	Тақдим қилинмаган	Қисман тақдим қилинган	Дарсликдаги лугатда тақдим қилинган	Машқларда тақдим қилинган	Машқларда тақдим қилинган	Ўқув матнида тақдим қилинган	
Кундалик турмуш мулоқот соҳаси	15	0	1	0	7	0	23
	(65,2%)	(0%)	(4,3%)	(0%)	(30,5%)	(0%)	
Ўқишга оид мулоқот соҳаси	24	0	0	2	12	4	42
	(57,1%)	(0%)	(0%)	(4,8%)	(28,6%)	(9,5%)	
Ижтимоий-сиёсий мулоқот соҳаси	27	2	0	1	4	3	37
	(73%)	(5,4%)	(0%)	(2,7%)	(10,8%)	(8,1%)	
Ижтимоий-маданий мулоқот соҳаси	34	10	0	2	8	4	58
	(58,6%)	(17,2%)	(0%)	(3,5%)	(13,8%)	(6,9%)	
ЖАМИ:	100	12	1	5	31	11	160
	(62,5%)	(7,5%)	(0,6%)	(3,1%)	(19,4%)	(6,9%)	

Гувоҳи бўлганимиздек, 10-синф учун дарсликда дастурда назарда тутилган лексик минимумнинг 75% и акс этирилмаган, қолган 25% орасида қисман ифодаланган сўзларнинг 7,4% и бор. Демак, дарсликда синтагма таркибига кирган сўзларнинг фақат бир қисми кўрсатилган, бошқа қисми эса умуман тақдим этилмаган. Худди шу каби, 11-синф учун дарсликда лексик минимумнинг 62,5 фоизи келтирилмаган, қолган 37,5 % орасида эса қисман тақдим этилган 7,5 % синтагма сўзлар мавжуд. Бу ҳолат мазкур бўшлиқни тўлдириш зарур, деган хулосага келишимизга сабаб бўлади. Биз буни дарсликларда акс этирилмаган сўзларни кейслар матнига киритиш, зарур бўлганда уларнинг таржимаси ва изоҳлар билан таъминлаш орқали амалга оширишни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, дарсликлардаги топшириқларнинг аксарияти муаммоли вазиятларни ҳал қилиш кўникмаларини сингдиришга эмас, балки ҳар хил турдаги мустақил нутқ фаолияти кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган; уларда кейс-технологияларга асосланган топшириқлар деярли йўқ. Шу билан бирга, 11-синф учун ўқув дастурида ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларига қўйиладиган талаблар қаторида ўқувчининг «ўз нуқтаи назарини, уни асослаган ҳолда, бировнинг нуқтаи-назарини қабул қилиш ёки рад этиш билан ифода эта олиши» таъкидланган.¹⁹ Бундан келиб чиқадики, ҳозирги вақтда 10-11-синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари талабларига мувофиқ ва шунингдек, дарсликлар билан онтологик бирликда яратилган кейслар мажмуини ишлаб чиқишнинг объектив зарурати мавжуд.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Қорақалпоғистон Республикаси ўқитувчиларининг В1 даражасидаги ўқувчиларга рус тилини ўқитиш бўйича иш тажрибасини ўрганиш”** деб номланган. Тадқиқот жараёнида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Хўжайли, Чимбой ва Қўнғирот туманларидаги бир қатор умумий ўрта таълим мактабларининг рус тили ўқитувчилари ўртасида анкета-сўровнома ўтказилди. Жами 109 та анкета тўпланди ва умумлаштирилди. Анкета жавобларидан шундай хулосага келиш мумкинки, таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблардаги рус тили ўқитувчилари ўқув материали билан ҳаётий вазиятлар ўртасида алоқа ўрнатиш зарурлигини таъкидлайди. Шу билан бирга рус тилини ўқитиш жараёнида баъзи қўшимча ўқув матнларини жалб қилиш тенденцияси кузатилмоқда.

Фикримизча, бундай тенденциялар мавжудлиги, функционал равишда қорақалпоқ тилида таълим олиб бориладиган 10-11-синфларда "Рус тили" предметининг ўқув-методик таъминланишининг баъзи камчиликларини қоплашга йўналтирилган кейс-топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш зарурлигини яна бир бор исботлайди. Бу ҳолда кейс-технология рус тилини ўқитишнинг коммуникатив йўналишини кучайтиришнинг самарали

¹⁹ Учебная программа общего среднего образования: Русский язык. 11 класс – электронный ресурс: <http://www.classcom.uz/> (дата обращения 4 октября 2021 г.).

воситаси ва ўрганилаётган ўқув материали билан ўқувчилар атрофидаги реал ҳаёт ўртасида алоқа ўрнатиш усули сифатида қаралиши керак.

Иккинчи бобнинг «**Рус ва қорақалпоқ тилларини методик мақсадда қиёсий таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи фаслида рус ва қорақалпоқ тилларининг лексикаси, фразеологияси, сўз ясалиши, морфологияси ва синтаксисининг айрим жиҳатларини қиёслашга бағишланган. Луғат соҳасидаги таққослаш кенгайтирилиши ва кенгайтирилмаслиги мумкин. Кенгайтирилган таққослаш сўз семантикасини яхлит баён ёки нутқдаги иборани тавсифлаш орқали тушунтиришни, кенгайтирилмаган таққослаш эса бевосита таржимани назарда тутди. Рус ва қорақалпоқ тилларидаги сўзларни кенгайтириб таққослаш зарурати икки ҳолатда пайдо бўлади: 1) сўзнинг она тилида эквиваленти бўлмаса; 2) энциклопедик характердаги кўшимча тушунтиришлар зарур бўлганда. Рус ва қорақалпоқ тиллари лексикаси элементларини қиёслашнинг энг муҳим жиҳатларини сўзларнинг кўп маънолилиги ва синонимияси соҳасидаги тадқиқотлар ташкил этади. Фразеология соҳасидаги таққослаш шартли турда икки тилдаги фразеологик луғатларни жалб қилиш билан амалга оширилиши лозим.

Рус ва қорақалпоқ тилларининг сўз ясалиш тизимлари ўртасидаги базавий фарқлар морфологик таснифга кўра бу тилларнинг ҳар хил турларга мансублиги билан белгиланади, яъни, рус тили - флектив тилларга, қорақалпоқ тили эса агглютинатив тилларга киради. Бу, биринчи навбатда, илдиз морфемаларининг тузилиш хусусиятлари ва уларга бириктирилган аффиксларнинг семантик хусусиятлари ва вазифаларидаги фарқни билдиради.

